

Шундай сафарга чиқиш мумкинми?

15:33 / 24.04.2016 3764

Ҳозир кўп аёлларимиз тижорат қилишади. Улар орасида эрининг рухсатисиз бу ишни қиладиганлар ҳам бор. Аёлларнинг ҳафталаб бошқа юртга кетишлари, маҳрамсиз мусофир бўлиб юришлари борасида Ислом дини нима дейди?

ЖАВОБ: Албатта Ислом динида аёл киши эъзозланган. Доим эҳтиромда бўлиши, ўзининг аёллик латофатини кетказмаслиги учун аёлларга кўпгина имтиёзлар берилган. Шулардан бири – оиланинг сарф-харажатини, кетадиган нафақаси, бор таъминоти, озиқ-овқат бўлсин, кийим-кечак бўлсин, турар жой бўлсин, таълим олиш, даволаниш, дам олиш ва бошқа нарсаларга кетадиган сарф-харажатлар бўлсин – барчаси эркаклар зиммасига юклатилган. Аёллар нафақа учун бир нарса топишга асло буюрилмаганлар, бу уларнинг иши эмас. Улар эркаклардан нафақа талаб қилиш ҳаққига эгалар. Шунинг учун аёлларда тижорат қилиш мажбурияти йўқ.

Энди ўша шариат рухсат бермаган ишни қилса, бунинг устига уни эрининг рухсатисиз қилса, гуноҳ бўлиши турган гап. Бу гуноҳларга яна ҳафталаб бошқа юртларга маҳрамсиз кетиб қолиш гуноҳи ҳам қўшилиши мумкин. Пайғамбаримиз алайҳиссалом «Аллоҳга ва ва Қиёмат кунига имон келтирган аёл киши учун уч кундан ортиқ маҳрамсиз чиқиши мумкин эмас, бу ҳаром» деганлар. Демак, маҳрамсиз аёл кишининг сафарга чиқиши мутлақо мумкин эмас, мана шу нарсаларни яхши ўйлаб қўйиш керак.

Ҳозирги кунда аёлларнинг турли юртларга кетиб қолишлари, тижоратдан бошқа ҳаром ишларни қилишлари катта бир мусибатга айланиб қолган. Мана шу мусибатнинг пайдо бўлишида, шундай ноқулай ҳолатларнинг келиб чиқишига асосан эркаклар айбдор. Агар эркаклар қизини, синглисини, опасини, хотинини, онасини нафақаси билан таъминлаб, барча нарсаларини муҳайё, тайёр қилиб, уларни азиза ва мукаррама бўлиб яшашларини таъминлашганида ва яхши бир оила раҳбари сифатида беҳуда сафарларга чиқишга йўлга қўйишмаганида, балки мана шу нарсалар содир бўлмас эди. Демак, эрлари уларни нафақа билан таъминлай олмаганлари учун ҳам аёллар шундай ношаръий сафарларга чиқишга, пул топишга уринаётган бўлишлари мумкин.

Иккинчидан, баъзилари бу ишни ўзбошимчалик қилиб, ҳавои-нафсига берилиб қилаётган бўлишлари мумкин. Бунга эркакларнинг индамай қараб туриши қўшилса, албатта гап яна эркакларнинг ҳам айби борлигига бориб тақалади. Шунга ўхшаш барча ҳолатларда ҳам мана шу мулоҳазалар қилинади. Шунинг учун бу иллатни йўқ қилишда аввало аёллар ўзлари жонбозлик кўрсатишлари, қолаверса эркаклар зиммаларидаги масъулиятни сезишлари, аёлларининг кўчага чиқишига, маҳрамсиз ҳафталаб бошқа юртларда сафарда юришига мажбур қилаётган нарса нима эканини билиб-ўрганиб, ана шу етишмовчиликни тўлдириш, аёлларини ана шундай ношаръий ҳаром сафарларга боришдан сақлаш учун ҳаракат қилишлари лозим бўлади (Аллоҳ билувчидир).